



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 17 февраль, № 34 (5201)

Пайшанба

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР САМАРАСИ

Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилашга энг муҳим устувор вазифалардан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Модернизация

Ўтган йили барча молиявий манбалар ҳисобидан ушбу мақсадларга йўналтирилган инвестициялар ҳажми 3 миллиард 800 миллион АҚШ долларидан ошгани, бу эса 2010 йилдаги барча капитал қўйилмаларининг 37,5 фоизини ташкил этгани бунга ёрқин бир далилдир. Натижада йил давомида кўплаб лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилиб, sanoat корхоналарида ишлаб чиқариш ҳажми ошишига, сарф-харажатлар камайишига, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга эришилди. Буни «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси тизимидаги корхоналар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда халқимизга сифатли ун ва нон маҳсулотлари етказиб бериш мақсадида тизим корхоналарида янги технологияларни қўллаш, донни қайта ишлаш цехларини замон талаблари даражасида қайта жиҳозлаш ишлари жадал олиб борилмоқда.

(Давоми 2-бетда).



Германиянинг мебель саноатида иختисослаштирилган машҳур электрон журналларидан бири бўлган «Мебельmarkt»да «Ўзбекистонда «Мебель Экспо — 2011» ярмаркаси ташкил этилади» сарлавҳали мақола эълон қилинди.

«МОЕВЕЛМАРКТ» ЎЗБЕКИСТОН МЕБЕЛЬ ЯРМАРКАСИ ҲАҚИДА

Унда ёзилишича, жорий йилнинг март ойида Тошкент шаҳрида саккизинчи «Мебель Экспо» халқаро ярмаркаси ўз ишнини бошлайди. Тўрт кун давомида мазкур ярмарка халқаро

зиёд мутахассис қатнашган. Бу йил «Мебель Экспо — 2011» кўргазмаси ташкилотчилари «ITE Uzbekistan» ва «I.T.E. E&C Ltd» мебель саноатининг тақдироти учун муҳим аҳамият касб этувчи

Дунё нигоҳи

мебель ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи компанияларнинг тақдироти учун ўзига хос «мебельлар витрини»га айланади. Тадбир ўтган йилларда бўлгани каби бу йил ҳам «UzBuild» курилиш ярмаркаси билан бир вақтда ўтказилади. Иштирокчи компаниялар томонидан таклиф этилаётган маҳсулотлар уй ва идора мебеллари, турли интерьер, ёритиш жиҳозлари, пол қопламалар ҳамда тўқимачилик моллари билан бирга, ёғочни қайта ишловчи ускуналар, бутловчи қисмлар ва замонавий технологияларни ҳам ўз ичига қамраб олган.

кўргазманинг мавқеини яна-яна ошириш ниятидалар.

«Ўзэкспомарказ»да уюштирилган ўтган йилги ярмарка миллий кўргазма мажмуасининг учта залини эгаллаб, жаҳоннинг 18 мамлакатидан келган 150 га яқин компаниялар маҳсулот ва хизматларини намойиш этишлари учун қулай имконият яратди. Тошкентда ўтказилган «Мебель Экспо — 2010»да олти мингдан

да ошириш ниятидалар. Сўнгги йилларда Ўзбекистон минтақа мебель саноатининг марказига айланган ҳолда, мазкур йўналишда жадал сурьатлар билан ривожланиб бораётган мамлакатдир. 500 дан ортиқ маҳаллий мебель ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи компанияларнинг 40 фоизга яқини охириги икки-уч йил ичида ташкил этилди. Шу билан бирга, ушбу соҳани ривожлантириш халқаро ишлаб чиқарувчилар учун ҳам улкан имкониятлар эшигини очди. Пировардда Ўзбекистонга 85 фоиз маҳсулот ва 95 фоиз асбоб-ускуналар ҳамда қайта ишловчи машиналар импортини йўлга қўйиш имконияти юзага келади. Бундан ташқари, мамлакатда юқори сифатли юмшоқ мебелларга бўлган талабнинг 29 фоизи четдан келтирилмаган маҳсулот ҳисобига қопланади.

«Жаҳон» АА. Берлин

Президентимиз Ислам Каримовнинг Олий Мажлис Конунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» маърузаси мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳоли, айниқса, ёшларга чуқур тушунтириш мақсадида учрашув ва анжуманлар ташкил этилмоқда.

КУРСАНТЛАР КОНЦЕПЦИЯНИ ЎРГАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий техник билим юртида бўлиб ўтган илмий-амалий конференция ҳам мазкур Концепцияда белгилаб берилган вазифалар мазмун-моҳиятини кенг тушунтиришга бағишланди. Ўзбекистон

ҳарбий прокуратураси, Тошкент ҳарбий округи ҳарбий прокуратураси ҳамкорлигида уюштирилган тадбирда олимлар, ҳуқуқшунослар, олий ҳарбий билим юрти ўқитувчилари ва курсантлари иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).

Мўл ҳосил пойдевори

«Деҳқоннинг хазинаси — ер, унинг қалити — тер» деган нақл бор халқимизда. Ҳақиқатан ҳам, ер билан тиллашиб, унга меҳр бериб ишлаган деҳқондан замин ўз саховатини ҳеч қачон аямаган. Шунинг учун мўл ва баракали ҳосил етиштироқчи бўлган фермерлар, энг аввало, экин майдонларининг унумдорлигини ошириш, унинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш пайдан бўлдилар.

ФИДОЙИ МЕҲНАТ ҚАДРИ

Биз, фермерлар соҳага нафақат илм-фан ютуқларини, балки кўп йиллик тажрибада синалган усулларни ўз ўрнида қўллаётганимиз ютуқлар гарови бўлмоқда. Киш-қировли қунарда галла майдонларига маҳаллий ўғит чиқариш ва майсани у билан озиклантириш шулар сирасига кирди.

Соҳа мутахассисларининг таъкидлашича, ёгингарчилик нисбатан кам бўлаётган жорий мавсумда ушбу тадбирнинг аҳамияти, айниқса, беқиймидир. Сабаби, маҳаллий ўғит экинга мадор бўлиб, ернинг табиий намлигини сақлаш, сувни тежазда қўл келади. Муҳандис-гидротехник сифатида яхши биламанки, сув йўлларининг раво бўлмаслиги бебаҳо нематнинг беҳуда йўқотилиши, деммаки, исроф бўлишига олиб келади. Шунинг учун халқимиз орасида «Отанг мироб бўлса ҳам, аригингни тозалаб сув ич», деган ибора бот-бот эсга олинади.

Фермер хўжалигимиз далаларигача сув 11,5 километрик ариқ орқали етиб келади. Сув тақчиллигининг олдини олиш, унинг ҳар қатрасидан унумли фойдаланиш мақсадида нафақат 5,5 километрик ички ариқларни, балки қишлоқ ичидан ўтган сув йўлларини ҳам тозалаб, сув иншоотларини таъмирладик, зарур жойларга сув ўлчачилар ўрнатдик. Ўз вақтида қўрилган бундай чора-тадбирлар сув сарфини йиғирма физгача камайтириш имконини бериши қутилапти. Зеро, галладан мўл ҳосил

олишининг энг муҳим омилли сунвинг ҳар қатрасидан текин жамкорлик билан фойдаланишидир. Айтилган 41,7 гектар майдондаги галла майсалари бир текис ўсмоқда. Бугунга қадар ҳар гектар ерга 10 тоннадан маҳаллий ўғит чиқарилиб, унинг бир қисми экин устига сепилгани, азотли ўғит билан озиклантирилгани айтилган мўлдан бўлди. Шу билан бирга, февраль ойидан маҳаллий ўғитни суспензия қилиб сепишни бошладик. Мутахассисларнинг айтишича, экин бу усулда 3-4 марта озиклантирилса, ҳосилдорлик гектарига 10 центнергача ошади.

Экинларнинг баравж ўсиши, бўлиқ бошоқ олиши учун уни занг касаллиги ва зараркундалардан асраш чораларини ҳам кўрмоқдамиз. Бундан ташқари, майдонларни бегона ўтлардан тозалашга алоҳида эътибор қаратиб, эҳтиёж бўлган жойларда унга қарши кимёвий воситалардан фойдаланишни мўлжаллаб турибмиз. Бугунги саъй-ҳаракатларимиздан кўзланган мақсад шуки, маҳаллий ўғитдан унумли фойдаланиб, экин тубида кўпроқ нам тўплаш орқали унинг баравж ўсишини таъминлаш, пировардида баракали ва мағзи тўқ дон хирмонини яратиш. Ҳар бир агротехника тадбирини ўз маромида ва сифатли бажарсак, эзгу ниятимизга, албатта, етамиз.

Суюнбой ҲАМРОЕВ, Навбахор туманидаги «Обла Ҳамро» фермер хўжалиги раҳбари.

АҲИЛЛИК ВА ФАРОВОНЛИК МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ

Президентимиз Ислам Каримовнинг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» маърузасида маҳалла институти фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, вазифалари қўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш борасидаги долзарб вазифалар белгилаб берилди.

Пойтахтимизда ёшлар тарбияси билан шуғулланиш самарадорлигини оширишда маҳалла фуқаролар йиғинлари раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг ўрни ҳамда вазифаларига бағишланган ўқув-семинарда шулар хусусида сўз юритилди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, Республика Абдурахимова ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида юртимизда аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини

ҳимоялаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, таълим олиши, тахтимиз касб-хунар эгаллаши ларидаги маслаҳатчилар иштирок этди. Республика «Маҳалла» жамғармаси бошқаруви раиси Анвар Аҳмедов, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Фаарида Абдурахимова ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида юртимизда аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини

Фармон ва ижро

ҳамда меҳнат қилиши учун зарур шароит ва имкониятларни яратиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Маҳаллаларда соғлом муҳитни қарор топтиришга диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ҳам муносиб ҳисса қўшаётди. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул

қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига биноан, юртимиздаги барча маҳалла, қишлоқ ва овулларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолият кўрсатмоқда. Бу лавозимга катта билим ва ҳаётий тажрибага эга, эл-юртда обрў-эътибор толган фаол аёлларнинг жалб этилгани миллий кадрларимиз бардавомлигини таъминлаш, ёшларни эзгу-ғоялар асосида камолга етказиш, осойишталик ва ўзаро аҳиллик муҳитини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Инвестиция — юксалиш омили

НАМАНҒАН. Косонсой туманидаги «Tradewell international» хорижий корхонасида 266 минг АҚШ долларлик инвестиция ҳисобига техник ва технологик янгилаш ишлари амалга оширилди.

Мазкур корхонада ҳозир тайёр ва яримтайёр тери маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, унинг асосий қисми экспорт қилинмоқда. Жумладан, «Tradewell international» жамоаси яқунланган йилда хорижий ҳамкорларига 237 минг АҚШ долларлик маҳсулот етказиб берди. Шунингдек, 50 минг АҚШ долларлик яна

бир лойиҳа амалга оширилмоқда. Ушбу мақсад тўла амалга ошган, бу ерда янги турдаги маҳсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилиши билан бирга қўшимча 15 та иш ўрни яратилди.

Қ. НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Фермернинг лимонзори

СУРХОНДАРЁ. Денов туманидаги «Баҳриддин» фермер хўжалиги қошида иссиқхона ташкил этилди.

Бир гектар майдонни эгаллаган ушбу мажмуани бунёд этиш учун фермер Баҳром Дилов ўз маблағи ва

банк кредити ҳисобидан 200 миллион сўм сарфлади. Натижада маҳалла ёшларидан 10 нафари иш

билан таъминланиб, улар томонидан етиштирилган 4 тоннадан ошиқ лимон ва зираворлар ички бозорга чиқарилди.

Н. ТЕМИРОВ.

Нефтчилар учун махсус кийимлар

АНДИЖОН. Хонобод шаҳридаги «Инкомтарандубидель» корхонасида 700 минг АҚШ долларлик инвестиция эвазига кенг қўламли модернизация ишлари амалга оширилди.

Натижада бу ерда нефть саноатида кенг қўлланиладиган экстракт кукунни ва нефтчилар учун махсус кийим-кечаклар тайёрлаш йўлга қўйилди. Шу билан бирга, корхонада ишлаб чиқариш ҳажми 3,5 баробар ортди. Хусусан, яқунланган йилда «Инкомтарандубидель» жамоаси ички ва ташқи бозорга 835 миллион сўмлик маҳсулот чиқарди.

О. ШОДНОАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

САМАРҚАНД шаҳридаги «Eixolding» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида вилоятдаги касб-хунар коллежлари битирувчиларининг амалиётини ташкил этиш, уларни иш билан таъминлаш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

КОЛЛЕЖДАН — КОРХОНАГА

Унда вилоятдаги корхона ва ташкилотлар, касб-хунар коллежлари раҳбарлари ҳамда тегишли идоралар вакиллари қатнашди. Тадбирда таъкидланганидек, вилоятда касб-хунар таълими муассасалари битирувчилари учун иш ўринлари яра-

тиш ва улар бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, айни кунда мазкур бирлашманинг ўзида коллежларни тамомлаётган ёшлардан 180 нафари амалиёт ўтапти. Бу ерда ўқувчиларнинг назарий билимларини

Ҳам сифатли, ҳам арзон

ҚАШҚАДАРЁ. Касби туманидаги «Номоз Мирзаев» корхонасида урни қайта ишлашга мўлжалланган технологик линия фойдаланишга топширилди.

Тадбиркор Нодиржон Мирзаев саъй-ҳаракати билан амалга оширилган ушбу лойиҳа туфайли бир кечакундузда 1,2 тонна ун қайта ишланиб, 5 турдаги сифатли макарон маҳсулотлари тайёрлаш йўлга қўйилди.

А. МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми 2-бетда).

ЖАҲОН

24 соат ичида

«Карлос» келтирган талафот

Австралиянинг шимолий ҳудудларига «Карлос» дея номланган тропик довул кириб келди.

Мамлакат фавқулодда вазиятлар вазирлиги вакилининг айтишича, табиий офатдан, айниқса, Дарвин шаҳрига жиддий зарар етган. Бу ерда тўққиз мингдан ортиқ хонадон электр таъминотисиз қолган. Бундан ташқари, кўплаб уйлари сув босган. Довул соатига 100 километр тезликда ҳаракатланмоқда. Аммо унинг янада кучайиш эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Шу боис мактаблар вақтинча ёпиб қўйилган.

Шерикли ош татийдими?

Мобиль телефонлари ишлаб чиқарувчи Финляндиянинг «Nokia» компанияси акциялари қиймати пасайди.



Бундай салбий натижа «Nokia»нинг сўнгги 12 йиллик фаолиятида қайд этилмаган.

Айтиб ўтиш жоизки, Финляндия компанияси ўзaro шерикчилик орқали замонавий русумдаги телефонлар ишлаб чиқариб, «Apple» компаниясини рақобат бозорига енгомқчи эди. Чунки ҳозир «Apple»нинг «Google» компанияси билан биргаликда сотувга чиқараётган телефонлари жаҳон бозорига анча оммалашиб бормоқда.

Хавфли хасталик хатари

Ўтган йили Фарбий Африка давлатларида менингит (орқа мия пардаси яллиғлини) касаллиги тарқалиши билан боғлиқ нохуш ҳолат кузатилган.

Расмий маълумотларга кўра, бугунгача хасталик икки минг нафар одамни ҳаётдан олиб кетган, йигирма мингга яқин киши эса шу дард билан орғирган. Мазкур касаллик Нигерия, Нигер, Буркина-Фасо ҳамда Мали каби мамлакатларда энг кўп тарқалган. Ундан, асосан, болалар ва ўттиз ёшгача бўлган одамлар азият чекмоқда.

Машина бозорида ўзгариш

Жорий йилнинг январь ойида Европада янги автомобиллар сотуви сезиларли даражада пасайган.

Бу ҳақда Европа автомобиль ишлаб чиқарувчилар ассоциацияси томонидан маълум қилинди. Хусусан, мазкур даврда 1 041 650 та машина сотилган. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,4 фоиз пас кўрсаткичдир. Шундай бўлса-да, қитъанинг баъзи мамлакатларида савдо ҳажми анча жонлангани айтил-

моқда. Масалан, Германияда ўтган йилнинг январига қараганда, 16,5 фоиз кўп янги машина харид қилинган. Бундай ижобий натижа Франция, Ирландияда ҳам кузатилди. Энг кўп сотилган русумлар рўйхатида эса «Mitsubishi», «Volvo», «BMW», «Dimler», «Jaguar Land Rover» кабилар етакчи бўлди.

Замонавий асарлар савдоси

Лондондаги «Sotheby's» аукционида замонавий санъат асарлари савдоси ташкил этилди.

Унда хитойлик рассом ва архитектор Ая Вэйвэй, германиялик рассом Герхард Рихтер ва испаниялик ҳайкалтарош Хуан Мунос томонидан яратилган санъат дурдоналари илҳомландир томонидан юқори баҳоланди. Жумладан, немис рассоми томонидан 1990 йилларда яратилган «Мавҳум сурат» номи асар 7,2 миллион фунт стерлингга сотилган.

Тадқиқотчилар тахмини

Буёқ британиялик тадқиқотчилар қадимги Мисрда фиръавнлар протездан фойдаланишганини тахмин қилишмоқда.

Улар қадимий мумиёлар устида олиб борган изланишлари натижасида шундай хулосага келдилар. Гап шундаки, ўша пайтларда шифокорлар сунъий бармоқлар қўйишни билишган.

Бу эса табиётда про-

тезлашнинг пайдо бўлиш тарихи 700 йилга қадимийроқ деган қарашларнинг юзга чиқишига олиб келди. Ҳозиргача бу усулга илк бор қадимги Римда милоддан аввалги IV асрда асос солинган, дея ҳисобланиб келинади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ТОМОРҚА — ФАЙЗ-БАРАКА МАНБАИ

— Бугун фаол ҳаракат даври, ҳаракат қилган эса, кам бўлмайди, — дейди «Нуроний» жамғармаси Самарқанд вилояти кенгашининг раиси Ҳасан Нормуродов. — Ҳозиргина Каттакўрғондан келдим. Кишини тўлқинлантирадиган янгиликлар анча-мунча.

— Қандай янгилик экан? — қизиқамиз. — Кишлоқларни оралаб юриб, хонадонларга кириб, одамлар билан суҳбатлашиб, шу нарсага яна бир бор амин бўлдимки, дунёда бизнинг халқимизчалик ерни қадрлайдиган, ўз меҳнатидан барака топиб, орзу-ҳавас билан яшайдиган халқ йўқ. Бу фазилатни — яратувчанликни, бунёдкорликни эса одамларимизга бекиб неъмат — Истиклол инъом этди.

Қаранг, Алижон кишлоғида томорқаларни ҳайдаш, экиш ишларини шу кишлоқлик нуронийлар ўз оталиқларига олишибди. Уйма-уй юриб, «Нима эқинг, нима эксан?» деб қизиқиб, маслаҳат бериб юришибди. Эндиликда биз бу ташаббусни вилоят миқёсида оммалаштирамиз, деб турибмиз. Мухтор кишлоғида яшовчи Акбар Эгамов кафтдеккина томорқасига кузда сабзи уруғини сепиб, устига нури ёзиб қўйибди. «Апрелда омордаги қишга жамғарилган сабзавотларнинг таги кўриниб қолган пайтда етилади, — дейди у. — Авжи баҳорда ошхўрларнинг жонини киричи десангиз, бозорни гуллатади». Акбарнинг укаси Отабек ҳам миришкорликда акасидан қолишмас экан. 4 сотих ерда кўкат деганнинг минг бир тури яшанб турибди. Кашничдан тортиб, исмалоққача бор. Қиш бўлишига қарамай, ҳовлисида кўклам иси ҳукмор. Мўхитоб кишлоғида яшовчи Абдурауф Бозоров ҳам 2 сотих ерга кўкат эккан. Яна 23 уя асалариси бор. Уч нафар қиличдек ўғли қўли гул ҳунарманд. Улар ясаган дарвозаларнинг таърифи кўшни



Бандлик

туманларга ҳам етиб борган. Харидор дегани навбат кутиб турибди. Қилич кишлоғидаги Алишер Норов ака-укалари томорқасини бирлаштириб, 35 сотих ерда арча уруғини кўкартирибди. Аммо яшириб нима қилдик, кам бўлса-да, тайёр ери бўлатуриб, эмай-тикмай бурганзорга айлантириб қўйган, «олма пиш, озимга туш» қабилида боқимандаликни одат қилиб олган кишиларни ҳам учратдик. «Ҳа» десангиз «Иш йўқ» дейди. Барака топкур, ерингиз парваришла, эк, қара. Атрофингдаги 4 — 5 сотих ердан 5 — 6 миллион сўм даромад олаётган кўшнларингиздан урган, ибрат ол, ҳаракат қил. Утмишда ҳам, бугун ҳам ҳаммамизни ер боққан, боққани. Агар мамлакатимиздаги ҳар бир оила ўз ерини, томорқасини яшнатиб қўйса борми?! — Ўзи ҳам бойиб, юртни ҳам бойитади, дейсиз-да? — Яшан! Бунинг учун барча шарт-шароит яратиб берилган бўлса. Ана шунда, кишлоқларимизда бекорчининг ўзи қолмайди. Вилоятимизнинг Кўшработ, Нуробод,

Пактачи, Нарпай туманларида ҳовлисидан 3 — 4 бош сизир, 30 — 40 бош қўй-эчкини узмайдиган одамлар жуда кўп. Шундан ортириб уйлар қуришяпти, тўйлар қилишяпти, машиналар олишяпти. Энди айтинг, бундай одамларни ишсиз деб бўладими? Ким ер эккан, озуқа жамғарган, ким сизир соғиб, мол тагини тозаллаган, яна бошқаси терт қориб, хашак қирққан, сув ташиган. Бу ерда пешона тери, ҳалол меҳнатдан ташқари, бола тарбияси деган гоят муҳим нарса ҳам бор. Бундай оилада, шундай муҳитда ўсган болалар меҳнатнинг нони ширин эканлигини билиб, кўриб улғая-

дилар. Кўчада валақлаб юришга, олди-қочди фильмлар кўришга, бўлар-бўлмас телефонбозлик қилишга вақтлари бўлмайди... Шу ўринда вилоят Иқтисодиёт бош бошқармасидан олинган қўйидаги маълумотга диққатингизни тортмоқчимиз: бугун Самарқанд вилоятида 512,3 мингга яқка тартибдаги аҳоли хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан ўтган йили 1 триллион 116 миллиард сўмлик мева-чева, сабзавот етиштирилди. Бу эса вилоятда жами ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 62,6 фоизини ташкил этади.

Ана шу рақамларнинг ўзи Ҳасан Нормуродов айтган аҳоли томорқаларидан фойдаланиш масаласи бандлик дастурини амалга оширишда, оилавий бизнесни йўлга қўйишда нақадар муҳим аҳамият касб этишини исботлаб турибди.

Али ЗИЁДОВ.

Яхши хабар

Аҳолига арзон ва сифатли пишиқ гишт етказиб бераётган «Яккабоғ гишт ишлаб чиқариш» масъулияти чекланган жамияти аъзолари 2010 йилни 31 миллион сўм соф фойда билан якунлади.

Янги ТЕХНОЛОГИЯ ШАРОФАТИ

— Яқинда 126 минг АҚШ доллари эвазига ишлаб чиқаришга янги технологияни жорий этдик, — дейди жамият раиси И. Муҳаммадиев. — «СМК-506» русумли мазкур серунум ускуна бир кеча-кундузда қирқ минг дона гишт тайёрлаш қувватига эга. Техамкорлик даражаси ҳам юқори.

Мазкур лойиҳа амалга оширилганидан сўнг корхона маҳсулотлари а талаб янада ортмоқда. Юқори унум билан ишлаётган заводда ҳозир 102 нафар киши меҳнат қилаётди.

Ф. ХОЛМИРЗАЕВ, Ўза Мухбири.

ИЗЛАНИШ МЕВАСИ

Кармана туманилик тадбиркор Болта Ериев банкнинг 45 миллион сўмлик кредити эвазига гўшт маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослаштирилган замонавий технологик линияни ишга туширди. Айни пайтда 8 киши меҳнат қилаётган корхонада кунига ярим тоннага яқин тўққиз турдаги сифатли қолбаса

ИМКОНЯТ

маҳсулотлари тайёрланиб, худуддаги савдо шохобчаларига етказиб берилмоқда. Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ.

Advertisement for 'MIKROKREDITBANK' with text: ДИҚКАТ, ТАНЛОВ! 2011 йил — Ўзбекистондаги энг яхши тартибдор ва шунинг билан муносабатда бўлган «МИКРОКРЕДИТБАНК» ОЧМҚ АКЦИОНЕРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ «Қўшмоқда» энг яхши бизнес лойиҳа» Танловини эълон қилади. The Bank Bank of the Year 2000 UZBEKISTAN

Advertisement for 'СУГУРТА ТИЗИМИ РИВОЖИ' with text: Мамлакатимизда бозор муносабатларининг асосий тузилмалари бўлган молия-банк, лизинг, аудиторлик, суғурта соҳаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буни суғурта бозори кўлами тобора кенгайиб бораётгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Зеро, унинг буғунги талаб даражасида ривожланиши ижтимоий-иқтисодий ислохотларни муваффақиятли амалга оширишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Advertisement for 'СУГУРТА ТИЗИМИ РИВОЖИ' with text: ижтимоий-иқтисодий ислохотлар муваффақияти гаровидир Бунинг учун, аввало, ушбу соҳанинг ҳуқуқий асосини тақомиллаштиришга қаратилган қонунлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилаётганлиги айни муддао бўлмоқда. Жумладан, «Суғурта фаолияти тўғрисида», «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги, «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги, «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида»ги қонунлар ҳозирги кунда соҳани ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётди. Ушбу саъй-ҳаракатлар тўғрисидаги фаолият суғурта компаниялари сонини тобора ошириб бораётди. Компаниянинг жойлардаги 14 та филиали, 70 дан ортиқ бўлими ва 5 та шўба корхонаси самарали фаолият кўрсатаётгани бу борада қўл келмоқда. Буни компаниянинг Қорақалпоғистон Республикаси филиали мисолида ҳам кўриш мумкин. Ҳозир филиал ходимлари саъй-ҳаракати билан суғурта хизматлари турини 11 тага етди. Масалан, 2009 йилда филиал ва унинг миқдорлари томонидан тузилган 3010 та шартнома асо-

Advertisement for 'ТРУБА ЗАВОДИ КХ' with text: ТРУБА ЗАВОДИ КХ ўзидан ишлаб чиқарилган куйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар КҚС билан кўшиб қилинган) 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 100 000 сўмдан бошлаб. 108-109 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 170 000 сўмдан бошлаб. 108 мм. диаметри бўлган 108x108 мм. — ГОСТ 8630-82. 108x108, 108x125, 108x150, 108x175, 108x200, 108x225, 108x250, 108x275, 108x300, 108x325, 108x350, 108x375, 108x400, 108x425, 108x450, 108x475, 108x500, 108x525, 108x550, 108x575, 108x600, 108x625, 108x650, 108x675, 108x700, 108x725, 108x750, 108x775, 108x800, 108x825, 108x850, 108x875, 108x900, 108x925, 108x950, 108x975, 108x1000. Девор қилинганда 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 300 000 сўмдан бошлаб. 108x108 мм. — Н-17, Н-25, Н-33, Н-35, Н-37, Н-47 қилинганда 0,4-0,7 мм., уруғлиги 3 мм., дан 14 мм. гача; Бундан ташқари 108x108 мм. (ангустинида) — Россияда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 тн. учун 8000 сўм 108x108 мм. — Валонияда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 тн. учун 1 300 000 сўм. Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

Advertisement for 'КАФЕЛЬ САНТЕХНИКА' with text: РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТОР ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРКОНАСИДАН ТАҚЛИФ ҚИЛАДИ «КЧМ» ЧЎЯН ИСИТИШ ҚОЗОНЛАРИ Табиий газ, қуруқ ва суюқ йилғида ишлайдиган, Россия ва Европа стандартлари талабига мос. ФИК 79% дан 90% гача. Шунингдек: КАФЕЛЬ (девор ва пол учун) САНТЕХНИКА (катта ҳажмда унитаз ва умывальниклар) ЧЎЯН ВАННА ВА ДУШ ПОДДОНЛАРИ Тел./факс: 267-35-73. Савдо шохобчаси — Уста Шайхон к.125, қўрилмиш бозори ичида №127. zakamsk-group@mail.ru

Advertisement for 'Россия линолеуми' with text: Хуллас, «Ўзбекивест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси Қорақалпоғистон Республикаси филиали ютуқлари, айтиб ўтилганидек, суғурта хизмати турларининг кўпайиши, миқдорлар сонининг ошиши ҳамда суғурта муқофотлари миқдорининг салмоқли даражада ўсишида намён бўлаётди. Зеро, юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни муваффақиятли амалга оширишда суғурта бозорининг ривожига катта аҳамият касб этади. Маҳмуд МУЯТДИНОВ, «Ўзбекивест» экспорт-импорт миллий суғурта компаниясининг Қорақалпоғистон Республикаси филиали директори. Тел.: 234-48-11. Факс: 234-49-58.

Бугунги кунда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизими ривож ва ушбу соҳадаги сифат ўзгаришларини таъминлаш борасида изчил савий-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Зеро, миллат соғлиғини асраш, жисмонан ва руҳан баркамол авлодни вояга етказиш фаровон келажакимиз кафолатидир.

махсус тадбирларда аҳоли, айниқса, ёшларга соғлом турмуш тарзи тарғиботи бўйича кенг тушунчалар бериб борилмоқда. Бугун энг олис овулларимизга бориб, одамлар орасида

лини осон қилаётган бу ўзгаришларнинг яққол фодоси сифатида худудда бунёд этилаётган янгидан-янги шифо масканларини тилга олиш мумкин. Жорий йилда Янги Томдида 150



Спорт

РУСТАМ ҚОСИМЖОНОВ ПЕШҚАДАМЛАР САФИДА

Москва шаҳрида давом этаётган анъанавий "Aeroflot Open — 2011" халқаро шахмат фестивали ҳал қилувчи паллага кирди.

Саккизинчи турда шу кунгача "А" гуруҳида биринчи ўринни эгаллаб турган вьетнамлик Ле Куанг Льем болгариялик шахматчи Иван Чепариновга қарши оқ донларда ўйнаб, кутилмаганда ютқазиб қўйди.

Ўзбекистон терма жамоаси етакчиси, собиқ жаҳон чемпиони, Осиё ўйинлари голиби Рустам Қосимжонов эса ушбу турда Россия терма жамоаси аъзоси Денис Хисматуллин билан дуранг ўйнади.

Айни пайтда Ле Куанг Льем ва Иван Чепаринов 6 очко билан голибликка асосий даввогар бўлиб туришибди. Уларни таъбиб этаётган ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов, россиялик Никита Витогов, Евгений Томашевский, Денис Хисматуллин, Санан Сужуиров, хитойлик Юй Яни, озарбойжонлик Рауф Мамедов ва исроиллик Максим Родштейн каби шахматчилар бир хил — 5,5 тадан очко жамғаришган.

Р. Қосимжоновга тўққизинчи партиядо хитойлик Юй Яни рақиб бўлади.



ФИНАЛЧИЛАР МАЪЛУМ

Ўзбекистон Профессинал футбол лигаси кубоги учун ўтказилаётган мусобақада финалчилар номи маълум бўлди.

Кеча бўлиб ўтган ярим финал учрашувида Жиззахнинг "Сўғдиёна" жамоаси Тошкент вилоятининг "Олмалик" клуби футболчиларини 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Иккинчи ярим финал жуфтлигида эса пойтахтнинг "Локомотив" ва "НБУ-Осиё" жамоалари куч синашди. Унда темир йўлчилар 2:1 ҳисобида зафар қучиб, баш соврин учун курашни давом этириш ҳуқуқига эга бўлдилар.

У. ҲАКИМЖОНОВ.

КВП: МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ВА ЗАМОНАВИЙ ХИЗМАТ

зимиди хизмат кўрсатиш сифати тобора такомиллашиб бораётганини кенг жамоатчилик орасида тиббий маданиятнинг юксалишига хизмат қилмоқда, — дейди Томди тумани тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Камаш Нагашбоева. — Худуддаги барча ҚВПларда малакали умумий амалиёт шифокорлари ҳамда патронаж ҳамширалари фаолият кўрсатади. Бу мутахассислар иштирокида мунтазам равишда ўтказиб борилаётган "Саломатлик ҳафталиги", "Шифокор тавсиялари", "Туғиш ёшидаги аёллар, болалар ва ўсмир қизларни соғломлаштириш ҳафталиги" каби

бўлсангиз, бунинг нечоғли ижобий самара бераётганлигига амин бўласиз. Негаки, аввалги пайтлардан фарқли ўлароқ, ҳозир ҳар бир киши ўз саломатлигини асрашга, энг аввало, ўзи масъул эканлигини кун сайин чуқурроқ англаб етмоқда.

Қувонарлики, бугун юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар, хусусан, тиббиёт соҳасига татбиқ этилаётган янгиликлар инсон қадрини улуғлаш ва унинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Олис қишлоқлар аҳлининг узоғини яқин, мушқу-

қатновга мўлжалланган кўп тармоқли поликлиниканинг замонавий кўринишидаги мухташам биноси курилиб, фойдаланишга топширилди. Шифо масканида умумий амалиёт шифокори, невропатолог, стоматолог, жаррох, акушер-гинеколог каби тажрибали мутахассислар фаолият кўрсатмоқда. Энг муҳими, шифо муассасаси УЗИ, ЭКГ сингари замон талабларига мос тиббий ускуналар билан тўлиқ жиҳозланган.

Навбахорликларга эса айни пайтда 285 қабулга мўлжалланган туман тиббиёт бирлашмасининг марказий шифохонаси,

250 қатновли кўп тармоқли марказий поликлиника ҳамда 19 та КВП хизмат кўрсатмоқда. Ўтган 2010 йилнинг инвестиция дастурига асосан, марказий шифохонадаги шохлиқ тиббий жаррохлик, қон қуйиш, қабул бўлими ҳамда ички дорихона бюджет маблағлари ҳисобидан капитал таъмирланди. Бундан ташқари, жорий йилда вилоят марказидаги кўп тармоқли тиббиёт марказини

реконструкциялаш ишлари ниҳоясига етказилди. Шунингдек, худудда ОИТСга қарши кураш марказининг асосий биноси янгидан қурилмоқда. Қурилиш-монтаж ишлари ниҳоясига етказилган, ушбу шифо масканларини энг сўнгги даволаш-таъхис жиҳозлари билан таъминлаш ва хизмат сифатини янада юксалтириш кўзда тутилган.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Саломатлик

МУРУВВАТИНГ МУНАВВАР ЗИЁСИ

"Темур Тоғаев қаратэ бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлди!" Бу янгилик бугун Мехрибонлик уйига зумда тарқалди. Ҳамма бир-бирини табриқлади. Ахир бизнинг тарбияланувчимиз — чемпион! Биз унинг ота-онаси, ака-укаси, хуллас, чин маънодаги оиласи бўлиб қувондик. Аслида ҳам биз бир оиламиз. 88 нафар ўғил-қизни бирлаштирган катта оила.

Бугунги кунда Китоб туманидаги 5-Мехрибонлик уйида Темур сингари чемпионларисини сафи 8 нафарга етди. Шунингдек, фан олимпиадаси голибу голибалари ҳам талайгина. Ҳ. Яхшибоева, И. Хожикулова, Ф. Жонтемиров... Бу рўйхатни кўлаб ўқувчиларимиз ҳисобига давом эттиришимиз мумкин. Уларнинг ҳар бири муассасамиз фаҳри, гурури.

Ғамхўрлик

Ҳар бир фарзанд қобилиятли бўлади. Гап ана шу истеъдодни йўналтириб олиш, тарбиялаш, қолаверса, уни рағбатлантириб беришга боғлиқ. Шу маънода, истиқлолнинг дастлабки кунларидан, Президентимиз раҳнамолигида бошқа соҳалар қатори аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатлами, ижтимоий-тиббиёт муассасаларига катта эътибор қаратиб келинаётгани ўзининг юксак самарасини бермоқда. Ушбу ғамхўрликлар натижасида Мехрибонлик уйимиз ҳам барча қулайликка эга масканга айланди. Фарзандларимизнинг фан сирларини кўп билан ағлашлари, спорт-соғломлаштириш машғулоти ва фан тўғрисидаги билан шуғуланишлари

Тоштемир САТТОРОВ, Китоб туманидаги 5-Мехрибонлик уйи директори.

Китоб муталааси кишини фикрлашга ундайди, унинг билим доирасини кенгайтиришга хизмат қилади. Айниқса, ёшлар тарбиясида китобнинг ўрни беқийс. Ана шу муҳим жиҳатлар инобатга олиниб, бугун мамлакатимизда кутубхоначилик соҳасини такомиллаштириш, ўсиб келаётган навқирон авлоднинг илмий-баддий адабиётларга қизиқириш борасида амалга оширилаётган савий-ҳаракатлар ўзининг самарасини бермоқда.

МУТОЛААГА ИХЛОСМАНД, ИЛМГА ЧАНҚОҚ

Хусусан, кутубхоначилик тизими ривожда Президентимизнинг 2006 йил 20 июндаги "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги қарори муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур қарорда белгиланганидек, бугун жойлардаги ахборот-кутубхона марказларида янгича ва илгор услублар, ахборот етказишнинг компьютерлаштирилган тизими,

тахассислар малакасини янада ошириш масаласига доимий эътибор қаратилган. Зеро, тизимдаги ҳар бир янгилик тезкорлик билан амалиётга татбиқ этиб борилади. Масалан, бундан уч-тўрт йил аввал ахборот-кутубхонани компьютерлаштириш

лоийҳаси амалга оширилган бўлса, эндиликда яна бир янги лойиҳа — "Кутубхоначилар мактаби" ҳаётга та-

Интилиш

биқ этилди. Уни жорий қилишда эса Халқ университетлари немис ассоциациясининг халқаро алоқалар институти билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда. Ана шу ҳамкорликлар самараси ўлароқ, Фарғона шаҳри ва

Ташкент тумани ахборот-кутубхона марказларида фаолият кўрсатаётган 40 нафардан зиёд кутубхоначи "Кутубхона иши асослари" ва "Кутубхона ишида ахборот-технологиялари" курсларида малака оширилди. Бундан асосий мақсад, ахборот-ку-

тубхона мутахассисларининг касбий билиминини янада ошириш, замонавий ахборот-технологияларини бошқариш ва кутубхонада янги хизматларни йўлга қўйишда уларга амалий жиҳатдан кўмаклашидир. Шунингдек, кутубхоначилар кутубхона ишини ташкил этиш ва соҳага янгича ёндашув масалалари юзасидан Германия давлати тажрибаси билан ҳам ақиндан таништирилди. Аслида, бугун юртимиз-

Дилором ШУКУРОВА, Фарғона вилояти ахборот-кутубхона маркази директори.

САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИМИЗНИНГ ХОРИЖДАГИ ЭЪТИРОФИ

Бельгияда ҳар йили ўтказиб келинадиган нуфузли халқаро сайёҳлик ярмаркасида Ўзбекистон Республикасининг Бельгиядаги элчихонаси ва ушбу давлатнинг машҳур сайёҳлик компанияларидан бири "Hobo Reisen" кўмағида Ўзбекистон сайёҳлик салоҳиятининг тақдироти бўлиб ўтди.



Аҳамиятли жиҳати шундаки, бу йилги ярмаркада Ўзбекистонга сەҳнат қилиш истагида бўлган европаликларга сайёҳлик йўлнамасини тақдир этишчи Бенилюкс мамлакатлари компанияларининг сони анча ортди. Ярмаркага келганларнинг умумий сони эса 120 мингдан ошди. Сайёҳларга Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари, тоғли ва чўл худудлари бўйлаб бир-икки ҳафталик сафарлар тақдир этилди. "Joker Каар" сайёҳлик компаниясининг тижорат ишлари

Биз ва жаҳон

— Албатта, — дея гап бошлади мутахассис, — бугунги кунда сайёҳлик бозори турли-туман қизиқарли тақдирларга ниҳоятда бой. Бу ерда рақобат анча катта. Шунга қарамастан, Европада Ўзбекистонга бўлган қизиқиш тобора ортаётди. Улканинг бутун тароватини ўз кўзи билан қўришга орзуманд бўлганларнинг сони кун сайин кўпаймоқда. Унинг таъкидлашича, "Ўзбекистон-

ОБ-ҲАВО (17 февраль)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёгингарчилик бўлади. Кечаси 3-8 даража совуқ, кундузи 3 даража совуқ билан 3 даража илқ атрофида бўлади.

Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари. Ёгингарчилик бўлиши кутилмоқда. Ҳарорат тунда 0-5, кундузи 5-10 даража илқ бўлади.

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик кузатилади. Ҳарорат тунда 0-5 даража, кундузи 10-15 даража илқ бўлади.

Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари. Вақти-вақти билан ёгингарчилик бўлади. Кечаси 0-5 даража, кундузи 10-15 даража илқ бўлади.

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлиши кутилмоқда. Кечаси 0-5, кундузи 7-12 даража илқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ёгингарчилик кузатилади. Ҳарорат тунда 3-5 даража, кундузи 10-12 даража илқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСINI ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

ЭГАЛЛАНГАН ЛАВОЗИМЛАРГА КЎЙИДАГИ КАФЕДРАЛАР БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- Болалик даври юқумли касалликлари кафедраси: ассистент (2).
- Дерматовенерология ва косметология кафедраси: ассистент.
- Ички касалликлар ва телемедицина кафедраси: ассистент.
- Офтальмология кафедраси: ассистент.
- Юқумли касалликлар кафедраси: ассистент (2).
- Пульмонология кафедраси: ассистент (2).
- Кардиология ва геронтология кафедраси: ассистент.
- Жирургия ва болалар жирургияси кафедраси: ассистент.
- Ультратовуқ диагностика кафедраси: ассистент.
- Педиатрия кафедраси: ассистент.
- Анестезиология ва реаниматология кафедраси: доцент, ассистент.
- Урология ва нефрология кафедраси: доцент, ассистент.
- Травматология ва ортопедия кафедраси: доцент.
- Валеология кафедраси: доцент.
- Гигиена кафедраси: ассистент.
- Неонатология кафедраси: кафедра мудири, ассистент.
- 2-аккушерлик ва гинекология кафедраси: профессор.
- Эпидемиология кафедраси: доцент.
- Болалик даври анестезиология ва реаниматология кафедраси: доцент.
- Акушерлик, гинекология ва перинатал медицина кафедраси: кафедра мудири, ассистент.
- Тиббий радиология кафедраси: доцент.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Парент кўчаси, 51. Телефон: (8-371) 267-60-74.

Qishloq Qurilish Bank

ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк»

дизель/бензогенератор қурилмагарини сотиб олиш бўйича танлов эълон қилади.

Танловда қатнашмиш учун шартномалар эълон қил этишга манъабдан бошқаб 15 кун давомида қатиб қилинади.

Қўшимча маълумотлар учун манзил: 100060, Тошкент ш., Шаҳрисабз к., 36-уй, 2-қават, 215-хона. Телефонлар: (8-371) 150-76-44, 150-76-55.

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
236-09-25.

E-mail: reklama@xs.uz

"Трансйўқурилиш" компанияси давлат унитар корхонаси жамоаси марказий ижро аппарати ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Светлана Яковлевна ПАКНИНГ

Неля Яковлевна ПАКНИНГ вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюроғимиз Г — 203. 77262 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Тахририятга келган кўлемлар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материал

• **МАНЗИЛИМИЗ:** 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — А. Орпено. Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов. Навбатчи — Ю. Бурунов. Мусахҳах — С. Исмолов.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.45 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5